



# ХАБАР

شېبەر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 17 июль 28 (308) ● Сотувда нархи эркин

**Вазирлар Маҳкамасида коммуникация мажмуининг кенгайтирилган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л. Ахметов олиб борди. Унда 1998 йилнинг биринчи ярим йиллик иш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши қўриб чиқилди.**

Биринчи ярим йиллик якунларига қўра транспорт ва алоқа корхоналари асосий белгиланган вазифаларни бажаришди. Жумладан, 1304,0 миллион киши ўз манзилларига етказилди, 122,9 миллион тонна юк ташилди, жорий йилнинг 1 июлига қадар асосий телефонлар сони 1582 мингтани ташкил этди, 4,8 миллионга хат жўнатилди. Транспорт ва алоқа корхоналари 12836,7 миллион сўм фойда олди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан рақамлар солиштирилганда корхоналарда 4004 киши ишдан қисқартирилганлиги маълум бўлди. Утган ҳисобот даврида ўртача иш ҳақи 1,5 баробарга ўсди. Транспорт ва алоқа соҳасида 869 та корхоналар фаолият қўрсатаётган бўлса, шундан 363 таси ҳиссадорлик жамиятларидир. Ҳисобот даврида корхоналарнинг дебитор қарзлари 21390,3 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари эса 15423,7 миллион сўмни ташкил этди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан рақамлар таққосланганда, йўловчиларни манзилларига етказиш ҳажми 43,5 миллион одамга, юк ташини ҳажми эса 0,5 миллион тоннага, хат-хабар етказиш 0,41 миллионгага камайди.

Транспорт соҳасидаги бир қатор корхоналарда экспорт ҳажми камайган бўлса, фақат Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида телекоммуникация маҳсулотлари ҳамда хизматини экспорт қилишда 3,2 фоиз ўсшга эришилди. Транспорт ва телекоммуникация соҳасида фаолият қўрсатаётган қўшма корхоналар биринчи ярим йилликда маҳсулотларни сотиш ҳамда хизмат қўрсатиш борасида 7986 минг АҚШ долларини микдорда иш бажаришди. Бу борада ўтган йилга нисбатан 2829,2 минг долларга кўп ишлар амалга

оширилди.

Коммуникация мажмуи йиғилишида транспорт соҳаси корхоналари раҳбарлари биринчи ярим йилликда бажарилган ишлар ва корхоналар олдида турган муаммолар ҳақида гапирди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев ҳам сўзга чиқиб, амалга оширилган ишлар ва соҳадаги муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Почта ва телекоммуникациялар корхоналари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳолига 2,79 миллиард сўмлик алоқа хизмати қўрсатди. Ҳаммаси бўлиб 3,94 миллиард сўм фойда олинди. Барча алоқа корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятларини зарар қўрмасдан якунлашди. Агенталик корхоналарида ўртача самарадорлик 53,0 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда алоқа соҳасида 36 та ҳиссадорлик жамиятлари, 11 та қўшма корхона, 20 та давлат корхонаси ва битта ижара корхонаси фаолият қўрсатмоқда.

Қўрсатилаётган хизмат ҳажмини бир маромда ушлаб туришга қаратилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида солиштирилганда жўнатмалар юбориш 13,0 фоизга, пул юбортомалари 21,0 фоизга, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони 31,3 фоизга ўсди. Аммо шунга қарамай даврий нашрлар ҳажми 5 фоизга, хат-хабарлар 8 фоизга, шопиленчномалар 7 фоизга камайган.

Миллий сегмент Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистралининг биринчи босқичи қурилиши тугаллаиб фойдаланишга топширилди. Умуман би-

ринчи ярим йилликда қишлоқ жойларида 1300 рақамга мўлжалланган АТС ишга туширилди, 292 километрлик шиша толали алоқа линиялари фойдаланиш учун тахт қилиб қўйилди. Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарларида шаҳарлараро автомат телефон станцияси ва 85,0 минг рақамли автомат телефон станцияси созилди. ОЕСФ кредити бўйича 2,4 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. ЕДСФ лойиҳаси (хукумат кафолати асосидаги кредит) жорий йилнинг тўртинчи чораги ва 1999 йил давомида амалга оширилади. Хориж сармоғи асосида 20,9 миллион АҚШ доллари микдорда ишлар амалга оширилди.

Алоқа корхоналарининг дебитор қарзлари шу йилнинг 1 июлига қадар 3,67 миллиард сўмни, кредитор қарзлар эса 1,42 миллиард сўмни ташкил этди. Дебитор қарзларни қамайтиришга қаратилган чоралар қўтилган натижаларни бермаётди.

Биринчи ярим йилликда алоқа корхоналари иши бўйича 8552 та шикоят тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шикоятлар сони 47 фоизга ўсганлигини қўрсатади. Корхоналарнинг айби билан 1323 та шикоят тушган.

Коммуникация мажмуи йиғилишида транспорт ва алоқа корхоналари зиммасига экспорт маҳсулотлари (иш ва хизмат) бўйича топширилган вазифаларни бажариш учун қўшимча чоралар белгилаш, Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда акциялар бўйича иш олиб бориш, ҳар ойда ҳайъат йиғилишларида кузги-қишқи мавсумга тайёргарликнинг боришини қўриб чиқиш каби вазифалар юқланди. Жумладан, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида ДЭУ корпорациясининг қазини ўз вақтида тўлаш учун қўшимча чоралар қўриш вазифаси топширилди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

## ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ КЎМАКДОШ

Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида япониялик мутахассислар ва маҳаллий алоқачилар ҳамкорликда мингта абонентга хизмат қиладиган электрон рақамли станцияни ишга туширишни мўлжаллашмоқда.

— Ушбу электрон станция Японияда ишлаб чиқарилган, — дейди биз билан суҳбатда Когон тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Олимжон Оминов. — Уни йил охиригача қўриб тугатмоқчимиз. Мазкур станция замонавий техника воситалари ҳамда компьютер мосламалари билан жиҳозланган.

Электрон станциянинг юзга яқин афзалликлари бор. Масалан, сизни уйқудан уйғота олиши ёки сизга соатни, об-ҳаво ҳолатини айтиб бериши ва

бошқа хизматларни қўрсатиши мумкин.

Тумандаги халқаро сўзлашувни йўлга қўйиш учун олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Айни пайтда Баҳоуддин Нақшбанд номли ва «Когон» жамоа хўжаликларидидаги телефон нукталари 8 рақамга улаб бўлинди. Эндиликда бу станция мижозлари ҳам бемалол ер юзининг исталган жойи билан сўзлашувлари мумкин. Бу ишларни амалга оширишда муҳандис Саттор Жўраев, катта электромантўр Истам Қиличев, электромантўр Жаббор Курбоновларнинг хизмати катта бўлди.

Сачоқ ЭҒАМОВ, жамоатчи мухбиримиз, Бухоро вилояти

«Танқиддан сўнг...»

## ТАНҚИД КЕЛАЖАК МЕВАСИ

«Сирдарё телеком» ва «Сирдарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятларида «ХАБАР» газетасининг 1997 йил, 25 апрель 17-сонда чоп этилган «Яхши отга бир қамчи... ёки Меҳнатобод тумани алоқа корхоналари аҳолига бир назар» ҳамда 1998 йил 15 май, 19-сонда босилган «Орадан бир йил ўтди... хўш, Меҳнатобод тумани алоқа корхоналарида қандай ўзгариш бўлди?» номли мақолаларда тилга олинган муаммоларнинг бартараф этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тумanning Қаҳрамон қўрғонидидаги 200 рақамли координат АТСга 300 рақам қўшилиб, 500 тага етказилди. «8» рақами орқали автоматик алоқа жорий қилинди. Эндиликда меҳнатободликлар учун ер юзининг хоҳлаган нуқтаси билан боғланиш имконияти яратилди.

Сирдарё вилоят алоқа кўчма механизацияланган жамланмас ёрдамида марказий АТСдан қўрғон мавзелари ва Х. Норҷаев номли давлат хўжалигига икки турдаги кабеллар ётқизилиб, монтаж қилинди. Эргаш Қаҳҳоров номли ва Пахтакор давлат хўжаликларидида алоқа симлари ва кабеллари, симёчқалар тўририлиб, тартибга келтирилди.

Мақолада тўғри таъкидланганидек, шу вақтгача туман электралоқа ва почта алоқа корхоналари идорасига қираверишда хатолук билан ёзилган пенсавҳалар «савлат» тўқиб турар эди. Ҳозирда уларнинг ўрнига Давлат тилида ёзилган янги пенсавҳалар ўрнатилди.

Бугунги кунда Меҳнатобод туманидан Ташкент Алоқа коллежидида икки нафар талаба тахсил олмақда. Утган йили яна бир талаба коллежни битириб келди.

Меҳнатобод туман почта боғламасида ҳам мижозлар учун кулай шароитлар яратилмоқда. Почта заллари тартибга келтирилди.

Танқид келажак меvasидир. Буни яхши тушушган «Сирдарё телеком» ва «Сирдарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари «ХАБАР»да чоп этилган мақолалардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда нафақат Меҳнатобод туманида, балки бошқа туман почта ва электралоқа корхоналаридаги мавжуд муаммо, камчиликларни ҳам ўз вақтида бартараф этиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Абдуғофур ҲОТАМОВ, «Сирдарё телеком» ҳиссадорлик жамиятининг электралоқа бўлими бошлиғи, «ХАБАР»нинг жамоатчи мухбири

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• **Вазирлар Маҳкамаси ағлорасаноат мажмуининг ўтган ярим йиллик якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков бошқарди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида қўра Саидхорр Фуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланди.**

• **Нидерландия Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ратификация қилди.**

• **Татаристонда юз берган қурғоқчилик туфайли бу йилги ҳосилнинг катта қисми нобуд бўлди.**

• **Қирғизистонда Демократик партия тузилди. У мамлакатда фаолият қўрсатаётган 20 та партиядан сўнг 21-тартиб рақами билан рўйхатга олинди.**

• **Уч ойдири, Польша пойтах-**

ти Варшавада ўсмирлар учун эълон қилинган комендантлик соати амал қилмоқда. Балогатта етмаганларнинг қош қорайгандан эрталаб соат олтигача катталарсиз кўчада юриши таъқиқланади.

• **Қувайт соҳил хавфсизлигини таъминлаш кучлари Форс кўрфазининг шимолий қисмида Ироқ томон сузиб кетаятган иккита савдо кемасини ҳибсга олди. Бу кемаларга Бирлашган Араб Амирлиги байроғи тикилган эди.**

• **Жаҳон банки Вьетнамга кредит бериш дастурини тасдиқлади. Ана шу дастурга мувофиқ 2000 йилга қадар Ханойга 2 миллиард доллар кредит берилди.**

• **Ўтган ҳафтанинг охирида асримизнинг сўнги, футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати якунланди. Унда чемпионат мезбонлари — Франция миллий терма жамоаси чемпионликини қўлга киритиб, Олтин Кубок соҳиб бўлишди. Навбатдаги жаҳон чемпионати 2002 йили, яъни XXI асрнинг бошида Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилди.**

**Бугунги кунда республикамизда олти алоқа корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу корхоналардан бири — ЎЗМАКОМ — Ўзбек-Малайзия қўшма корхонаси ташкил топганига икки йилдан ошди. Шу қисқа давр мобайнида бу қўшма корхона ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топа олди-ми? Мижозларга қандай хизмат кўрсатяпти? Шулар ҳақида корхона Бош директори Раҳматжон Аҳматович ЮНУСОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Корхонамиз GSM уяли радио алоқа хизматини бошлаганига бор-йўғи ўн ой бўлди. Шу қисқа вақт ичида ЎЗМАКОМ мижозлар орасида ўз ўрнини топди. Корхонада 98 нафар ходим меҳнат қилади. Улардан уч нафари хорижлик фуқаролардир. Ходимларимиз асосан ёшлардан иборат бўлиб, юқори малакали мутахассислар ҳисобланган. Уларнинг аксарияти инглиз тилида бемалол сўзлаб олишади. Ходимларимиз малакасини ошириш учун икки кишини Ҳиндистонда ва олти кишини Финляндияда ўқитиб келдик. Малайзиядан мутахассис чақириб, 25 ходимни Тошкентда бир ой ўқитдик.

Корхонамиз нималарга қодирлигини одамларга тушунтириб бера олдик шекли, мижозларимиз борган сари кўпайиб бормоқда. Шу кунларда 5 минггичи мижозни кутяпмиз. Ҳозирги абонентлар анойи эмас. Уларга зарур шарт-шароит яратиб, яхши муо-

меҳнат сарфланмади. Корхона тузилганига икки йилдан ошган бўлсада, бир йилдан кўпроқ вақт ташкилий ишларга кетди. Хоналарни таъмирлаш, асбоб-ускуналарни жойлаштириш, кадрлар ва бошқа масалаларни ҳал этгандан кейингина мижозларга хизмат кўрсата

бера оладиган даражада хизмат кўрсатишни ўйлаяпмиз. Ҳозир бизда уяли алоқанинг махсус мебеллари йўқ. Ушбу мебелларни Малайзиядан келтиришни мўлжаллаяпмиз. Янги хизмат турларини очмоқчимиз. Овозли почта хизматини ҳам йўлга

## ЎЗМАКОМ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР

мала қилсангизгина сизнинг мижозингиз бўлиши мумкин. Холис баҳони ҳам ана ўшалар беришади. Шииоримиз абонентлар кўнглини олиб, уларни доимий мижозга айлантиришдир.

Жойлардаги талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ишимизни ривожлантиряпмиз. Абонент тўловларининг бир неча усуллари бор. Ҳар ким хоҳишига қараб танлайди. Бизга қандай масала билан келишмасин, ходимларимиз жойида хал қилишга ҳаракат қилишади. Ўзим ҳам қабулга келувчиларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиламан, уларнинг сарсон бўлиб юришларига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида маблағнинг ўзи оқиб келмайди, албатта. Бунинг учун ишни тўғри йўлга қўя билиш керак. Корхонамиз оёққа туриши учун озмунча

бошладик.

Корхонамиз хорижий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Барча ишлар компьютерлар ёрдамида бажарилади. Оила йилида хайрия ишларини ҳам амалга оширяпмиз. Йил бошидан буён саккиз нафар уруш иштирокчиларига моддий ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Бундан ташқари Чилонзор туманидаги Т. Дадашев номли 128-ўрта мактабни оталиққа олганмиз. Ушбу мактабни таъмирлаш учун 3 миллион сўм пул ўтказдик.

Энди режалар ҳусусида тўхталсам. Келгусида корхонамиз филиалларини республикамиз вилоятларида ҳам очмоқчимиз. Шу кунгача кўрсатган хизматимиз 10 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Йил охиригача мижозларимиз сонини 10 минг нафарга етказмоқчимиз. Уларга янада яхшироқ, жаҳон андозаларига жавоб

қўймоқчимиз. Бунга 500 минг АҚШ доллар лозим бўлади. Автоматик РОУМИНГ хизмати очиш ниятида қизгин иш олиб борапмиз. Бу ишларни йўлга қўйишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Унинг ҳуқуқий, техникавий, молиявий жиҳатлари бор. Уларни пухта ва чуқур ўйлаб, кейин ишга киришиш керак. Бундай кенг кўламли ишларни рўёбга чиқариш учун меҳнат ва маблағ талаб этилади. Биз жамоамиз билан бунинг уддасидан чиқиш, мижозларимизга янада қулай имкониятлар яратиш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз. ЎЗМАКОМ қўшма корхонаси ўз мижозларини кутади. Биз сизнинг кўнглингиздагидек хизмат қилишга тайёрмиз.

**Иззат АҲМЕДОВ**  
ёзиб олди



Анвар МИРЗАРАҲИМОВ Тошкент электротехника Алоқа институтини 1994 йили тугатиб, Фарғонада ДЭУ фирмаси билан ҳамкорликда қурилган 33-АТСа да меҳнат қилмоқда.  
СУРАТДА: Катта муҳандис А. Мирзараҳимов АТС блокларини кўздан кечирмоқда.

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган**

### ШАҒБИРКЛАЙМИЗ!

**Хурматли Маҳаммадjon**  
**Абдуллаевич ЁҚУБОВ!**

Сизни 50 ёшга тўлганингиз муносабати билан табриклаймиз, сизга узоқ умр, сийхат-саломатлик, ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

**«Тошкент почтаси» очик турдаги**  
**ҳиссадорлик жамияти жамоаси**

### ЭЪЛОН

Масъулияти чекланган «Билга» жамияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

•1998 йил — Оила йили

## АЛОҚАЧИЛАР ХОНАДОНИ

Олим ака 1960 йили Жиззах шаҳрида ташкил этилган радио-телефон тузатиш курсини тамомлаб, аскарликка отланди. Хизмат даврида ўзи ихлол қўйган алоқачилик касбига ишлади. Ана шу даврда Олим ака сеvimли касбини мукамал ўрганиб, 1-тоифали радио-телефончи даражасига эришди.

Аскарликдан қайтган Олим Бойматов Жиззах шаҳар алоқа боғламасида меҳнат қила бошлади. Уша йиллари ўз касбини пухта эгаллаган маҳаллий мутахассисларга эҳтиёж катта эди. Олим ака ўн йил давомида электромеханиклик қилди. 1974 йилдан бошлаб турли вазифаларда ишлади. 1996 йилдан эса Олим Бойматов «Жиззах телеком» шўба корхонасида бош диспетчерлик қилмоқда.

Ўз касбининг устаси Олим ака қаерда, қайси вазифада ишлаган, жамоа эътиборини қозонди, ҳамкасбларига ўрнак, ёшларга устоз бўлди.

— Устоз шоғирдсиз, шоғирд устозсиз бўлмайди, — дейди Олим ака. — Аскарликдан қайтиб иш бошлаганимда менга Уктам Маҳмудов ва Бўрибой Убайдуллаев сингари тажрибали алоқачилар кўп нарсаларни ўргатишганди. Мен уларни устозларим деб биланман. Бугунги кунда кўп-ла ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб, устозлик қиляпман.

Олим аканинг оиласини алоқачилар оиласи дейишади. Устознинг турмуш ўртоғи Дилором опа ҳам бир неча йилдан бери шу корхонада диспетчерлик қилади. Оиланинг тўнғич фарзанди Сарваржон 8 йилдан буён шу жамоада муҳандис бўлиб ишлайди.

— Фарзандларимизнинг деярлик барчаси ота касбига меҳр қўйишган, — дейди ўй бекаси Дилором опа. — Қизларимдан Саодат операторлик вазифасида ишлайётган бўлса, Шоира муҳандислик касбини эъозлаб келяпти.

Ўлимиз Тўлқинжон Тошкент электротехника Алоқа институтини тамомлаган. У айна пайтада ҳарбий хизматда ўз касби бўйича ишляпти. Кичик қизимиз Шаҳ-

ноза Тошкент электротехника Алоқа институтининг иккинчи босқинида таҳсил оляпти.

Олим ака тўққиз нафар ўғил-қизининг отаси, 25 нафардан зиёд бири-бирдан ширин набираларнинг бобосидир.

— Ишдан чарчаб келганимда мен томон талпиниб чопган набираларимнинг «Бобо, бобожон» деган бийрон сўзларини эшитиб, яйраб кетаман, — дейди Олим ака кувонч ила. — Ахир, яқиндагина ўзим ҳам шу набираларим сингари кўча чаңгитиб юрган бола эдим. Умр оқар сув экан, мана энди бобо бўлдим.

Олим ака пилвадаги чойдан хўплаб, дастурхонга қўяркан, «Жиззах телеком» шўба корхонасида бўлаётган ўзгаришлар ҳусусида кувониб гапирди.

Ха, заҳматқаш алоқачи Олим аканинг кувонганича бор. «Жиззах телеком» шўба корхонаси мана бир йилдан буён индонезиялик алоқачилар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Айна пайтада бу ерда 6,5 минг рақамли Япониядан келтирилган янги АТС ўрнатилаётир. Республикамиз мустақиллигининг 7 йиллиги байрами кунгача у ишга туширилади.

— Моҳир алоқачи Олим аканинг корхонамизда ўз ўрни бор, — дейди «Жиззах телеком» шўба корхонаси бош директорининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари Носир Бобоев биз билан суҳбатда. — У кишининг оиласидан беш нафари жамоамизда меҳнат қилади. Оила йилида бу алоқачилар хонадонига рўшнолик тилайман.

Олим ака Бойматов ўзининг ўттиз икки йиллик меҳнат фаолияти давомида эришган муваффақиятлари учун бир неча бор Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган.

**Йўлчи ЖўРА,**  
**жамоатчи мухбиримиз,**  
**Жиззах вилояти**

## АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ДАМ ОЛИШМОҚДА

Наманган вилоятининг «Ёш алоқачи» болалар дам олиш маскани Янгиқўрғон туманидан оқиб ўтадиган «Пошша-ота» сойи қирғоғига жойлашган. Ушбу дам олиш масканида алоқачиларнинг фарзандлари уч гуруҳга бўлиниб дам олишади. Ҳозирги кунда иккинчи гуруҳда 160 нафар бола мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Болалар учун зарур шароитлар яратилган, уларга тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Режага асосан турли хил тўғараклар ташкил қилинган. Ҳар кун болалар хровз сувида мазза қилиб чўмилишади.

Болалар доимо шифокорлар назоратида, зарур дори-дармонлар етарли. Тартиб ва осойишталикни сақлаш учун миллиция ходими кечасио кундузи навбатчилик қилади. «Наманган телеком» хиссадорлик жамияти раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан «Ёш алоқачи» оромгоҳига туман электралоқа корхоналари томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида ёғ, шакар, ун, гуруч, мош ва ҳар хил мева-лар, қовун-тарвузлар берилмоқда. Фарзандларини йўқлаб келувчи ота-оналар учун ҳам қирқ кишига мўлжалланган, барча шароитлар яратилган икки қаватли алоҳида бино қурилган.

**Ҳ. НУРМАТОВ,**  
**«Наманган телеком»**  
**хиссадорлик жамияти**  
**бош директорининг**  
**ўринбосари**

«Фарғона телеком» хиссадорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшма қўмитаси корхонанинг Фарғона шаҳар филиали ҳайдовчиси Турдиали Турдиматовга отаси

**Жалолхон ака**  
**ТУРДИМАТОВ**

ва онаси

**Мўътабархон ая**

**ТУРДИМАТОВ**нинг

Шоҳимардондаги табиий офат оқибатида бевақт ҳалок бўлганликлари муносабати билан чуқур таъзия билдирадлар.

«Жиззах телеком» шўба корхонасининг Фаллаорол туман филиали жамоаси кекса алоқачи, меҳнат фахрийси Гайбулла Жўлбековга турмуш ўртоғи

**Людмила**

**КОРАЛЕВСКАЯ**нинг

вафот этганига муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗМАКОМ қўшма корхонаси жамоаси корхона бош энергетиги Абдурашид Абдураззоқовга отаси

**АБДУРАЗЗОҚ** отанинг

вафот этганига муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мажид ХАВОФИЙ

## ҲИКМАТЛАР

Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки эс-хуши ва касб-хунари бўлмаган киши камбағалдир.

Тубан одам билан дўст тутиниб, ҳамсухбат бўлма, чунки унинг зарардан бошқа нафи тегмайди.

Ҳар бир мавжудот муҳаббатга муҳтождир, севишга қобил бўлмаган одам мавжуд эмасдир.

Севги-муҳаббат обрўли одамни хор қилади, тубан одамни эса ҳурматли инсонга айлантиради.

Ўзингда ҳасад ҳиссини кўзғатмагил, зеро, кейин ундан халос бўлишинг амри маҳолдир. Уни даволаб бўлмайди.

Ақлли одам оқибатини пухта ўйлаб кўрмасдан туриб, ғазвбланишга шошилмайди. Агар унга қарши бирор чора тополмаса, ҳатто пушаймон бўлиши ҳам мумкин.

Инсоннинг бошқа жонзотлардан афзаллиги ақлидадир. Ақлнинг мақсади эса нутқ ва ширинсунхликни такомиллаштиришдан иборат.

Доно кишининг тили уни бахтсизликдан асрайди. Ярама кишининг тили эса, унинг бошига кулфат келтиради.

Олимлик, билим ва касб-хунар орқали ҳақиқатга эришсан. Қаердаки саҳийлигинг ва қадр-қимматинг ардоқлансан, билгинки, шу ерда сени тан олишади.

### • Мерос

марғуб бўлган никоҳ ҳар тарфнинг розиликлари ва хушундиклари билан бўлган никоҳдир. Агар болалар тажрибалари озлиги сабабидан ота-оналар мувофиқ кўрган кимсалар ҳақида мамнуниятсизлик изҳор этсалар, бу тақдирда кўнгилларидаги

шубҳаларни тўғри сўз билан тарқатиш, муродларини майл қилдириш учун ҳаракат қилиш лозим. Ҳар қандай бўлса ҳам болаларни жабрлаб никоҳ этмоклик раво эмасдир.

Зеро болалар мол эмасдирларки, беихтиёр бировга сотилиб кетсалар.

Тарбия жиҳатига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини истаган йигит билан қизнинг никоҳларига ёлғиз фақирлигини сабаб кўрсатиб розилик бермаган ота-оналар ўз вазифаларини адо этган бўлмаслар. Чунки ахлоқи гўзал кимсанинг фақирлиги айб эмасдир.

Эрга бериш вақти келганида қиз болани молсизу мансабсиз бўлса-да, диёнати-ю тақводор, тарбияли кимсага беришга ҳаракат қилиш ота-онанинг вазифасидир. Аллоҳдан кўрувчи-ю одамлардан ному сузвчи зот хотинини сева, ҳурмат билан сақлайди, агар муҳаббати бўлмаса жафоба солмайди.

Молю мартабага кўз тикиб, бузуқ эътиқодли-ю динига эътиборсиз кимсаларга қиз бермок муносиб эмасдир. Дунё моли нақадар кўп бўлса-ю дунё даражаси нақадар буюк ҳисоб этилсада, охираат илмига кўра йўқ ҳукмидадир. Салафларда мўътабар олим Саъид ибн ал-Мусаййиб ҳазратларининг қизини шул вақтининг халифаси Абдулмалик бин Марвон ўзининг валийҳади бўлган ўғли Валид учун сўраганида Саъид ҳазратлари рад этди-ю, ўзининг фақир бир шогирдига икки ёки уч дирҳам махр баробарига эрга берди.

Болаларни уйлантирганда ихтиёрсиз қилмоқ жоиз бўлмагани каби тамом ихтиёрларига солиб, бир четда томошабин бўлиб турмок ҳам муносиб эмасдир. Зеро тамом ихтиёрларига берилганда ёшлик мастлигидан аҳтимол янгли-

### Ризоуддин ибн ФАХРУДДИН

## ЎЙЛАНТИРИШДА ОТА-ОНАНИНГ ВАЗИФАСИ

шарлару янглишганларидан гофил бўларлар-да, кейинроқ пушаймон қиларлар.

Жабр билан бўлган никоҳдан кўнгиллар бир-бирига ўхшамаганидан маишатлари заҳарли бўлар. Болаларнинг саодати матлуб бўлганида зўрлаб никоҳ этмок раво бўлмас. Жабр билан бўлган никоҳнинг кўпроқ сабаби қизларини бой хотини этмок қасдида қари бойларга берадилар. Лекин саодат ҳеч вақтда мол билан сотиб олинмайди. Тарбияли қизларни тарбиясиз бойларга бермоклик саодатли никоҳ эмас, балки мол эвазига вужуд сотмоқдан иборатдир.

Ақлу шариат жиҳатига кўра

### МАСЛАҲАТ

Веналик ёзувчи Пётр Альтенберг ўзини ёмон ҳис қилаётган эди. Врач унга спиртли ичимлик ва тамаки чекишдан дархол воз кечишни маслаҳат берди. Шунда Альтенберг индамай шапка ва пальтосини қўлга олиб кета бошлади.

— Кеңирасиз, маслаҳатим ҳақини ким тўлайди? — хайратланиб сўради врач.

— Нима учун ҳақ тўлашим керак? — ажабланиб ёзувчи. — Мен сианинг таклифингизни қабул қилганим йўқ-ку.

### ЯГОНА ТЕНТАК БЎЛМАСЛИК УЧУН...

Инглиз жароҳи Листерни ярим тунда бир миҳознинг уйига қақи-

### МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

ришди. Борсаки, сабабсиз қақришган — «беморда» ҳеч қандай касаллик белгиси йўқ.

— Сиз васиятнома ёзиб кўйганмисиз? — деб сўради жажли чиққан Листер.

— Сиз ўйлайсизки, жаноб доктор, демак мен... — мингиллаш бошлади ранги оқариб кетган бемор.

— Ҳозироқ нотариус билан иккала ўлингизни қақиринг.

— Наҳотки, аҳволим шу даражада жиддий бўлса?

— Йўқ, унчалик жиддий эмас, лекин мен ярим кечада уйқуси бузилган ягона тентак бўлиб қолиш-

ни хохламайман.

### АНИҚ ХАВФ

— Ҳозир тиббиётта оид адабиётлар тўлиб-тошиб ётганда докторларнинг нима кераги бор? — деди бир хоним машҳур немис врач Зәуэбрхуш иштирок этаётган бир йиғилишда.

— Фақат эҳтиёт бўлинг, бекам, — деди унга жавобан олим кулимсираб, — матнда бирорта хато ўтиб кетган бўлса, ўлим юз бериши мумкин. Ана шунинг учун ҳам докторлар керак.

Одатдаги кўриш, эшитиш ва сезиш аъзоларининг иштирокисиз тирик организмлар ўртасида масофа оша содир бўладиган алоқани олимлар ўзига хос биологик радиоалоқа деб тавсиф этишади. Баъзан телепатия ҳодисаларини парapsихология («пара» кўшимчаси юнончада «яқин» деган маънода келади) деб ҳам ата-

## ҒОЙИБОНА БИЛИШ «МЎЪЖИЗА»СИ

шади.

«Телепатия» сўзи ҳам юнонча бўлиб, масофага ахборот узатиш, деган маънони билдиради. Телепатик ҳодисалар турли кўринишларда бўлади. Фирк-сўзни масофага узатиш, ахборотни олисдан (ғойибона) билиш, жонивор ёки айрим нарсаларга фикран таъсир этиш каби ҳодисалар шулар жумласига кирилади.

Ғойибдан билиш — телепатия ҳодисалари тўғрисида гап бошлангани юз йилдан зиёд-роқ вақт ўтди. Бу борада айниқ-



Ёз — ўтмоқда соз.

са чет элда кўпроқ шов-шув кўтарилиди. Жумладан, космонавтикада Ердан буйроқ беришда телепатия ҳодисаларидан фойдаланиш масаласи устида иш олиб борилмоқда. Телепатия устида илмий тадқиқот олиб борган олим Б. Кожинский бу тўғрида «Биологик радиоалоқа» номли китоб ёзган.

Телепатия қобилияти жуда камдан-кам одамда учрайди. У кўричакнинг чувалчансимон ўсимтаси сингари юз аждодларимиздан ўтиб келган қол-

дик, яъни «рудемент»дир. Баъзи бир олимлар эса бу нарсани узоқ аждодларимизга хос белгининг ҳозирги авлодда пайдо бўлиши (масалан, думли бола туғилиши каби) деб атайдилар.

Келажақда фан телепатия ҳодисаларининг сирини аён қилиш билан инсон миҳзининг ҳозир номаълум бўлган мўъжизавий қобилиятларини ошкор қилади.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади

## БУ — ҚИЗИҚ

Ота-она яхши ният билан фарзандга исм қўяди. Исмда уларнинг эътиқоди, орзу-истаклари ўз аксини топади. Масалан, Бразилияда Наполеон, Рузвельт, Франклин, Делано, Цезарь, Линкольн каби тарихий шахсларнинг исми билан аташ кенг тарқалган. Шунингдек, Ньютон, Эдисон, Сўкрат, Афлотун каби исмлар ҳам тез-тез учраб туради.

Республикамизнинг жанубий вилоятларида ва Туркманистонда туртинчи ўйилга Чорий, бешинчисига Бешим, олтинчи ўйилга Олтибой деб ном қўйишади. Баъзан қизларга исм қўйишда ҳам нечанчи эканлиги ҳисобга олинган. Масалан, София иккинчи, Робия бешинчи қиз деган маънони англатади.

Жума куни туғилган болаларга Жумавой, Жумагул, ўзбек ва тожикларга Одина, Панжи, туркманларда эса Аннажон, Аннаберди исмларини қўйиш қадимдан одат. Куръони каримда айтилишича, пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоху алайҳи васаллам жумани ҳафта охири, яъни озодлик куни деб эълон қилган эканлар. Бу кунни барча мусулмонлар тоат-ибодат қилиш, узоқ-яқин қариндошларидан хабар олиш, ғарибларга эҳсонлар улашиш билан ўтказганлар. «Жума» сўзининг маъноси озод ва суюкли демақдир.

Ҳиндларда болаларга исм қўйиш жуда муқаддас удум саналади. Чақалоқ 10-12 кунлик бўлган, исм қўйиш маросимига тайёргарлик бошланади. Аввал чақалоқ, сўнг онаси ҳаммомда ювинтирилиб, тоза уст-бош кийдирилади. Она ётадиган хонанинг ҳатто деворлари ҳам обдон тозаланади. Сўнгра гуллар билан безатилиб, мушку анбарлар сепилади. Ҳиндларда сигир муқаддас ҳайвон саналгани учун баъзан сигир тегази ҳам майдалаб, сепиб чиқилади. Сўнг тантана бошланиб, тилларда чақалоқ исми янграйди.

### МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар

агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТЎЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Мехмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0202. 8593 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.30

Босишга топшириш вақти — 21.00

ДУШАНБА, 20

УзТВ-1
Телеомолибандлар диджати!
Профилактика муносабати билан душанба
20 июль кунин УзТВ 1 кўрсатувлари соат
6.30 дан 14.10 гача УзТВ III канали
орқали намойиш этилади

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Койилмақом Гоша». Мультифильм.
18.15 «Кизилкичи учрашувлар».
18.45 «Слам ва одам».
19.05 «Сават олимлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30, 22.20
— Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иктисод либрбоси».
21.35 «Ер келади, кўзлари хумор келади».
Мусликий дастур.
22.00 «Табрикор минбарин».
22.25 М. Бобоев «Кўнги кўчалари». Ви-
деофильм. 26-кўй.
23.05 «Ахборот».
23.30 — 23.35 Ватан тилмоллари.

УзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи». Теле serial.
18.15 «Ерилотш». Мультифильм.
18.40 «Жахон урушларининг махфий ар-
хивларида». Теле serial.
19.10 «15 дақиқа спорт хақида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Турим хақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.30 «Таггар». Теле serial.
22.20 «Даракчи» (рус тилида).
22.30 Оханглар ва эълонлар.
22.45 Киноингоҳ. «Миллионерга қандай
қилиб турмушга чиқиш мумкин».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.40 «Тахлинома».

8.40 «Узлик». Бадийий-публицистик
кўрсатув.
9.10 «Жахон спорти».
9.20 «Узбектеlevision» намойиш этиди:
«Мариям ипаги».
9.35 «Чироғи илми уй». Телетанлов.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Узбек киноси тиздорлари».
10.35 Кундузги саванс. «Йўқолган ҳазина».
Бадийий фильм.
12.05 Узбекистон телерадио-компанияси
эстрада симфоник оркестрининг
концерти.
12.35 «Эрталак — яшилчила етаклар».
13.25 «Вов» лақабли мушукча». Муль-
тифильм.
13.35 — 14.00 «Оламага савҳат».
Кинокўрсатув. \*\*\*
17.15 Янгиликлар.
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси
кўрсатувлари

20.35 Эълонлар.
20.40 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
21.00—21.30
РДТ «Вести».

21.30 «Зёбо звезда уйнар». Фильм-кон-
церт.
21.55 «Ут ўручи I». Бадийий фильм.
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

УзТВ-III

17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
18.55 «Мусликий танлафурус».
19.05 «Минг бир маслаҳат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури —
«Худуд». Ташкент—Сиятл биродар-
лашган шаҳар.
21.20 «Таггар». Теле serial.
22.10 «Нигоҳ».
22.25 «Даракчи».
22.35 Оханглар ва эълонлар.
22.55 Экранда — детекти.
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-IV

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жахон халқлари эрталари».
18.35 «Жосулар». Хужжатли serial.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этиди...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонанд».
20.15 «Жозоба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Худуд». Ташкент—Сиятл биродар-
лашган шаҳар.
21.20 «Таггар». Теле serial.
22.10 «Нигоҳ».
22.25 «Даракчи».
22.35 Оханглар ва эълонлар.
22.55 Экранда — детекти.
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-V

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртанамо чоршан-
ба». Кинокўрсатув.
6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси
кўрсатувлари.
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шоҳсуна сари йўл». Спорт дасту-
ри.

21.00—21.30
РДТ «Вести».
21.30 «Соя кетидан кўвиш». Бадийий
фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
19.05, 21.50 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Теле serial.
19.55 «Мусликий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парос».
20.30 «Мезон».
20.50 «Хуқуқ ва бурч».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Дурдаршан».
21.55 Олтин ҳазина. С. Абдулла, Т.
Жалилов «Тоҳир ва Зухра». Андижон
вилоят театрининг спектакли. 1-
кўйим.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

УзТВ-VI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилотш». Мультифильм.
18.25 Евоий хайвонот олами.
19.10 «Ташкентнома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусликий меҳмонхона».

20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггар». Теле serial.
21.50 Дублаж.
22.10 «Даракчи».
22.20 Спорт қўтаси.
22.50 Оханглар ва эълонлар.
23.20 Киноингоҳ. «Махсус топширик».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси
кўрсатувлари
20.35 «Лола». Фильм-концерт.
21.00—21.30
РДТ «Вести».

21.30 Эълонлар.
21.35 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.05 «Шарк киноси: «109-поезд җўтосиз
юрди». Бадийий фильм. (Япония).
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

УзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
19.05 «Солик хақида сабоқлар».
19.20 Мусликий танлафурус.
19.35 «Минг бир маслаҳат».
19.45, 21.40 — Эълонлар.
19.50 «Мухаббат тарихи». Теле serial.
20.35 Мусликий танлафурус.
20.40 «Доринора» эшитидади.
21.10 «Телефорт».
21.20 Хит-коллекция.
21.45 «Кувнок кино».
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 22

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Ошиқ дил наволари». Мусликий дасту-
р.
8.45 «Тоқчи».
9.00 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт
дастури.
9.15 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қис-
ми бадийий фильм. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий
кўрсатув.
10.30 Абитурентлар, сизлар учун! Биоло-
гия.
11.00 «Ушлаган озулар».
11.30 Абитурентлар, сизлар учун! Узбеки-
стон тарихи.

12.05 «Шумтақа». Мультифильм премьер-
си. 7-серия.
12.20 «Акс-садо».
12.50 Кундузги саванс. «Қирол Лир». Ба-
дийий фильм. 1-серия.
14.10—15.05 «Ешлик» студияси: «Оталар
сўзи-ақлнинг 2-қисми».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фаразд-умид юл-
дузи».
18.25 «Химмат».
18.45 «Барҳаёт сиймолар». Ж.
Низомжўаев.
19.05 «Жахон ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури —
«Худуд».

20.10 «Оқшом эрталари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иктисодий чорраҳаларида».
21.20 Узбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 7 йилги юлғи «Ватан
мади». Мусликий дастур.
21.50 «Ешлар, телеканал:
«Дунё кўриб, дунёлар ярат.
«Кулги тералиси».

23.00 М. Бобоев «Кўнги кўчалари». Ви-
деофильм. 27-кўй.
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тилмоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жахон халқлари эрталари».
18.35 «Жосулар». Хужжатли serial.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этиди...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонанд».
20.15 «Жозоба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Худуд». Ташкент—Сиятл биродар-
лашган шаҳар.
21.20 «Таггар». Теле serial.
22.10 «Нигоҳ».
22.25 «Даракчи».
22.35 Оханглар ва эълонлар.
22.55 Экранда — детекти.
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-VI

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртанамо чоршан-
ба». Кинокўрсатув.
6.30—8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси
кўрсатувлари.

20.35 Эълонлар.
20.40 «Шоҳсуна сари йўл». Спорт дасту-
ри.

21.00—21.30
РДТ «Вести».
21.30 «Соя кетидан кўвиш». Бадийий
фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

УзТВ-VII

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
19.05, 21.50 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Теле serial.
19.55 «Мусликий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парос».
20.30 «Мезон».
20.50 «Хуқуқ ва бурч».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Дурдаршан».
21.55 Олтин ҳазина. С. Абдулла, Т.
Жалилов «Тоҳир ва Зухра». Андижон
вилоят театрининг спектакли. 1-
кўйим.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».



ПАЙШАНБА, 23

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Истиғодат». Х. Қувватов.
9.00 «Мураббий». Спорт дастури.
9.15 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қис-
ми бадийий фильм. 3-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Остонаси тиллодан». Адабий
кўрсатув.
10.30 Абитурентлар, сизлар учун! Она
тили.

11.00 Янги алифбон ўрганамиз.
11.30 Абитурентлар, сизлар учун! Физи-
ка.
12.05 «Шумтақа». Мультифильм премьер-
си. 8-серия.
12.20 «Акс-садо».
12.35 Кундузги саванс. «Қирол Лир». Ба-
дийий фильм. 2-серия.
13.45 «Оламини асранг!».
14.10 — 14.30 «Жараён».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулгўналар».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...» Бадийий-пуб-
лицистик кўрсатув.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.45 —
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эрталари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Жайхун» тароналари.
21.50 «Бозор рақобати—сифат қафолати».
22.10 «Телевидение: томоша, томоша-
бин».

22.30 «Сомон йўли».
23.55 «Мухаббат хақида миш-мишлар».
Бадийий фильм. (Мир Араб Республи-
каси).

01.35 — 01.40 Ватан тилмоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилотш». Мультифильм.
18.25 «Эртакчи». Болалар учун дастур.
18.45—20.00 йилдан сўнг». Теле serial.
19.05 «Бўғим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жўрт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».

21.00 «Иймон».
21.30 Мўлтоз-наволар.
22.00 «Даракчи» (рус тилида).
22.10 Оханглар ва эълонлар.
22.30 Оилавий экран. «Одам-амфибия».
23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-VIII

17.15 Янгиликлар.
6.30 — 8.00
17.20—20.35
Россия жамоат телевидениеси
кўрсатувлари

20.35 «Умр дафтарини». Адабий-публици-
стик кўрсатув.
21.00—21.30
РДТ «Вести».

21.30 Эълонлар.
21.35 Кино сайраси «Ягуар». Бадийий
фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

УзТВ-IX

17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
19.05 «Минг бир маслаҳат».
19.20 «02» тўқинида.
19.35, 21.05 — Эълонлар.
19.40 «Мухаббат тарихи». Теле serial.
19.45 «Гўна осмон остида».
20.15 «Хаммаси мода хақида».
21.10 Киносалон.
22.50 «Мусликий Олимп».
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Соғимда севги васфи». Концерт.
8.45 «Меҳр мақони».
9.00 «Соғлом авлод учун». Спорт дасту-
ри.
9.15 «Шароитни ўзгартирувчи». Кўп қис-
ми бадийий фильм. 4-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.30 Абитурентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Болалар учун. «Езимиз соз
ўтмоқда».

11.20 «Хуқуқий жаънат сари».
11.45 «Шумтақа». Мультифильм премьер-
си. 9-серия.
12.05 «Эртанги кунга ишон».
12.25 Кундузги саванс. «Бинафшаранг
шар». Бадийий фильм.
20.35 «Гўна осмон остида».
20.45 «Хаммаси мода хақида».
21.10 Киносалон.
22.50 «Мусликий Олимп».
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

14.10 — 14.30 «Инсон ва замин». Теле-
журнал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телеуён.
18.30 «Дунё амфибия».
18.50 «Фермер». Телетанлов.
19.10 «Ешлар қўйланганда».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сомонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».

21.00 «Настари атра». Б. Исроиқ.
21.50 «Оила». Тележурнал.
22.25 М. Бобоев. «Кўнги кўчалари». Ви-

деофильм. 28-кўй.
23.05 «Аруз гулшани».
23.15 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури
23.40 «Азиз сиймолар».
24.00 Бадийий фильм.
01.20—01.25 «Ватан тилмоллари».

УзТВ-X

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Уйна, болажон, уйна!».
18.30 Экранда премьер. «Довюркалар».
Хужжатли serial.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ийрик планда».
20.15 «Туйғуларим».
20.20 «Хар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».

21.00 «Янши дам олинг».
21.20 «Таггар». Теле serial.
22.10 «Даракчи».
22.20 Бокс, Бокс Бокс.
22.45 Оханглар ва эълонлар.
23.00 Киноингоҳ. «Кизил ботинкали одам».
00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-XI

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».
6.30—8.00
17.20—20.35
РДТ «Вести».

20.35 «М. М. шоу».
21.00—21.30
Россия давлат телевидениеси
кўрсатувлари

21.30 Эълонлар.
21.35 Оқшом совриндорлари: «Ребекка».
Бадийий фильм. (1940 йил).

23.55 «Ажаб саодат эрур...» Бадийий-пуб-
лицистик кўрсатув.
17.10—18.45 Туркия телевидениеси

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
19.05 «Мусликий таважж йўқ».
19.25 «Наволарда аён атам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.50 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Теле serial.
20.55 «Уй оstonдан бошланади».

22.10 Дурдаршан.
21.55 «Кинематограф. «Кора шаҳзода».
23.30 «Араб эрталари».
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 25

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Муслика бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.30 «Шумтақа». Мультифильм премьер-
си. 10-серия.

«Ешлар» телеканал.
9.45 «Мусликий музоара, муносабат».
«Кувноклар ва зуққолар».
«Узбекистон аскарлари».
«Куйла, ёшлигим». Мусликий дастур.

12.05 «Хатларда ҳаёт акиси».
12.30 «Ҳазрати Инсон». Публицистик
кўрсатув.
12.45 Кундузги саванс. «Малича вичеси». Ба-
дийий фильм.
14.15—14.45 «Матнавийят». Бадийий-пуб-
лицистик кўрсатув. \*\*\*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мултошлам».
18.20 «Хайрат». Бадийий-публицистик
кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталари.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз
тилида).

20.15 «Жахон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хамма кўриши шарт... эмас».
Мусликий дам олиш дастури.
21.55 «Тунги ёғду» дам олиш дастури
кўрсатув.
22.20 «Парварши». Бадийий фильм. 1-2-
сериялар.
01.20 — 01.25 Ватан тилмоллари.

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «У ким? Бу нима?».
8.15 Оилавий экран. «Одам-амфибия».
8.40 «Кўнги кўчалари».
11.15 «Янши дам олинг».

11.35 «Худуд». Ташкент—Сиятл биродар-
лашган шаҳар.
11.55 Болалар учун. «Ким?»
13.25 «Табобат оламида».
13.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сир-
лари». Теле serial.
14.35 «Жозоба».

15.50 «Санта-Барбара». Теле serial.
16.35 «Хондонингизга осийшталик ти-
лаи».
17.05 «Санта-Барбара». Ойишталик ти-
лаи.
17.50 «Ерилотш». Мультифильм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 Спорт қўтаси.
19.00 «Дилбарий экан».
19.15 «Кўнун химосида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гўлдаста». Мусликий дастур.

20.30 «Ахборот».
20.45 «Кўнги кўнгила пайванд».
21.30 «Даллас». Теле serial.
22.20 ТВ ва театр.
22.40 «Даракчи».
22.50 Оханглар ва эълонлар.
22.55 Киноингоҳ. «Чехра».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

УзТВ-XII

17.00 Дастурингиз очилиши. Эълонлар.
17.05—23.30
Россия жамоат телевидениеси
кўрсатувлари

10.05 «Шанба эртаги».

11.15 «Спектаклдан сўнг».
11.40 «Табият билан танишув». Хужжатли
фильм (Япония).
12.10 «Туманлариси Британия».
12.25—12.50 «Ассалом, Франция».

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультмоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Ҳақлар қанотида».
19.55, 22.20 — Эълонлар.
19.55 «Мухаббат тарихи». Теле serial.
20.45 «Чинсан».

21.10 «5 дақиқа ўзим учун».
21.15 «Буй ажиб дунё».
21.35 «Осиё—мониторинг».
22.00 Кит коллекция.
22.25 Киносалон.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 26

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЕШЛАР» телеканал
«Ватанимга хизмат қилман».
«Урашув».
«Сочининг савдоси тўши».
«Сизга ўшагим келади».
«Ешлар ва эстрада».
«Пўнат тулпорлар».

13.10 «Катта танлафурус». Телеуён.
13.40 «Ҳаёт расолини».
14.20 «Санъат сериали». Мусликий дастур.
15.10 — 15.40 «Болалигим — пошлоли-
гим».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Янқов». Мультифильм.
18